

Музаффархон ЖОНИЕВ,
Ўзбекистон халқаро ислом академияси
таянч докторанти

ҲАЖ САФАРЛАРИ БОШҚАРУВИ: ШАРИАТ ҲУКМЛАРИ ВА ТАРИХ

Бугунги ривожланган техника асри барча ибодатлар билан бир қаторда, ҳаж сафарини ҳам анча қулайлаштирди. Ҳаж ибодатини адо этувчилар сони йилдан йилга ортмоқда. Дунёнинг ҳар томонидан мусулмонлар тўп-тўп бўлиб, ҳаж сафарини амалга оширмоқдалар. Минглаб мусулмонларнинг тартибли равишда, ҳузур ва ҳаловатда муқаддас шаҳарларни зиёрат қилиб келишлари, у ердаги вазифларни шарият қоидаларига мувофиқ, тўла-тўқис адо этишларини таъминлаш ҳар доим муҳим масала бўлиб келган. Ислом динининг беш устунларидан бири бўлган ҳаж борасида, Қуръони каримда 25 оят ва алоҳида бир сура ҳам нозил қилинган.

Ислом инсондаги эътиқодсизликни қанчалик қоралаган бўлса, жамиятдаги бўлиниш ва гуруҳбозлик оқибатида келиб чикувчи фитналарни ҳам худди шундай мусулмонлар учун катта хавф, дея қарайди. Бирлик ва бирдамлик дини бўлмиш ислом дини тартибсизлик, интизомсизлик ва бўлинишдан қайтаради.

Ислом динига кўра, тартиб-интизом кичик бир жамоадан тортиб, бутун жамият учун муҳим саналиб келган. Шунинг учун Абу Ҳурайра (р.а.)дан ривоят қилинган бир ҳадисда Расулulloҳ (с.а.в.): “Агар уч киши сафарга чикса, улардан бирини бош қилиб олишсин» (Абу Довуд ривояти), дея таъкидлаганлар. Ҳатто уч кишилик кичик бир жамоада ҳам мутлақо бир масъул шахснинг бўлиши динимизда буюрилган амаллардандир.

Милодий 630 йилда Макка шаҳри мусулмонлар томонидан фатҳ этилгач, ҳаж қарвонининг хавфсизлиги ва эҳром ҳамда ҳарамдаги қоидаларга риоя қилинишини назорат қилиш, ўргатиш учун “амир ул-ҳаж” яъни ҳаж амири вазифаси жорий этилди. Маккада ушбу вазифага илк бор Аттоб ибн Асид (р.а.) тайинланган бўлса, 631 йилдаги ҳаж мавсумида 300 кишилик ҳаж қарвони билан Мадинадан йўлга чиққан Абу Бакр Сиддиқ (р.а.)га ушбу вазифа юклатилган эди¹. 632 йилга келиб, ҳаж амири вазифасини Пайғамбаримизнинг ўзлари бажарганлар ва ушбу йилги ҳаж тарихда “Видолашув ҳажи” сифатида қолгани маълум².

Абу Бакр (р.а.)нинг халифалик даврида, ҳаж амири вазифасини маълум бир вақт ўзлари, сўнгра Умар ибн Хаттоб (р.а.) юритган. Умар ибн Хаттоб (р.а.) халифалик даврида халифанинг ўзи билан бир муддат Абдуллоҳ ибн Авф (р.а.) ҳаж амири бўлган. Усмон ибн Аффон (р.а.)нинг халифалик йилларида ҳам бир муддат Абдуллоҳ ибн Авф (р.а.) ва Абдуллоҳ ибн Аббос (р.а.) ушбу вазифани ўз зиммасига олган³. Ҳазрати Алининг халифалик даврида 657 йилда Убайдуллоҳ ибн Аббос (р.а.) ҳаж амири этиб тайинланган ва шу билан бир қаторда, Шом волийси Муовия ибн Абу Суфён ҳам Язид ибн Шажара Руҳовийни ҳаж амири ўлароқ Маккага жўнатади. Икки амир Маккада учрашишгач, ўртада бироз келишмовчилик юзага келади ва охири Шайба ибн Усмон (р.а.) ҳаж амири вазифасини юритишига келишиб олинган⁴. Шунингдек, 658 йилда Макка волийси Қусам ибн Аббос ва 660 йилда Шайба ибн Усмон ҳаж амири бўлган⁵.

Турли ҳудудлардан келган зиёратчиларни Маккага олиб бориб, ибодатларини шарият қонун-қоидаларига мувофиқ адо этишларини таъминлашга масъул бўлган ҳаж амири вазифаси Умавийлар ва Аббосийлар даврида ҳам давом эттирилган. Жумладан, халифалар Муовия, Марвон ибн Ҳакам, Абдулмалик ибн

¹ Ибн Асир. Ал-Камил фий ат-тарих. Қоҳира. 1348. Ж. 2. – Б. 291

² Абул Ҳасан Масъудий. Муруж уз-Заҳаб. Матбаъат ут-Тижорийя. – Қоҳира. 1965. Ж.9 – Б. 55

³ Ибн Асир. Ал-Камил фий ат-тарих. Қоҳира. 1348. Ж. 3. – Б. 20, 38

⁴ Абул Ҳасан Масъудий. Муруж уз-Заҳаб. Матбаъат ут-Тижорийя. – Қоҳира. 1965. Ж.9 – Б. 55

⁵ Ибн Асир. Ал-Камил фий ат-тарих. Қоҳира. 1348. Ж. 3. – Б. 111, 575

Марвон, Валид, Сулаймон, Хишом ва бошқа умавий хонадони вакиллари ушбу вазифани ўз зиммаларига олган. Аббосийлардан Абу Жаъфар Мансур етти марта, ал-Махдий бир марта, Хорун ар-Рашид эса тўққиз марта ҳаж амири бўлган. Умавийлар ва Аббосийларнинг даврида ҳожилар тўпланадиган марказлар Шом ва Бағдод бўлган ва ҳаж амирлари ҳам ушбу шаҳарлардан Макка сари йўлга чиқишган. Мўғуллар босқинидан кейин Мамлук султони Бойбарс Аббосий халифа Зоҳир Биллаҳнинг ўғли Аҳмадни Қоҳирага келтириб, Мустансир Биллаҳ номи билан “халифа” деб эълон қилган⁶. Шу тариқа, Макка ва Мадина идораси Мамлук сулоалари қўлига ўтгач, ҳаж амирининг ҳаракат Маркази Қоҳирага ўтган. Мамлуклар даврида ҳаж амирининг вазифаси турли минтакалардан келадиган ҳаж карвонларини хавфсиз бир шаклда олиб келиш билан чекланган⁷.

1517 йилда Миср ва Ҳижознинг Усманийлар бошқаруви остига ўтиши натижасида ҳаж амирлари ҳам усмоний султонлар томонидан тайинлана бошлаган. Усманийлар даврида бир вақтнинг ўзида икки киши ҳаж амири этиб тайинланган. Ҳаж амирларидан бири Шомда бўлса, иккинчиси Қоҳирада ўтирган. Шомдаги ҳаж амири Онадўли, Эрон, Марказий Осиё, Шом ва Ироқдаги ҳожиларни тўплаб, Маккага олиб борган ва Қоҳирадаги амир Шимоли Африка ва Миср атрофидаги зиёратчиларнинг ҳаж қилишларини таъминлашга масъул бўлган⁸.

Фикҳий манбаларда ҳам ушбу ҳаж амири ва унинг вазифалари ҳақида батафсил тўхталиб ўтилган. Жумладан, олим Абул Ҳасан Мовардийнинг асрлар давомида мусулмон олами давлат ҳукукий тизими учун асосий манба бўлиб келган “Ал-аҳкам ас-Султонийя” асарининг “Ал-Вилояту ‘ала-ҳажж” (“Ҳаж бошқаруви”) бобида ҳаж амирининг вазифаларини икки қисмга бўлган:

Биринчиси, ҳаж сафарини ташкил этиш, бошқариш ва йўллардаги хавфсизликни таъминлашдаги амирлик. Ҳаж сафарини ташкил этиш, зиёратчиларни бошқариш ва йўлларда тартибни сақлаган ҳолда хавфсизликни таъминлаш вазифаси бу ўзига хос раҳбарликни талаб қилувчи вазифа саналади. Бу

борада олим Абул Ҳасан Мовардий ҳаж амири куйидаги хислатларга эга бўлиши кераклигини таъкидлаган:

а) Шижоатли, виқорли ва жиддий киши бўлиши;

б) Сезгир, фавқуллодда ҳолатларда тез қарор қабул қила оладиган, тартибли сафар ташкил эта олувчи;

в) Ўзига ишонган, жасур киши бўлиши⁹.

Шунингдек, Мовардий ҳаж сафарларини ташкил этиш ва бошқаришда ҳаж амири куйидагиларга эътибор беришини таъкидлаган:

1) Ҳаж карвонининг тарқалмаслиги ва турли муаммоларга дуч келмаслиги учун жамоа бўлган ҳолда ҳаракат қилишлари, тўхташ жойларида барчанинг тўпланиши;

2) Ҳар бир кичик гуруҳларда биттадан йўл кўрсатувчининг бўлиши ва йўл кўрсатувчилар бир-бирлари билан боғланган ҳолда ҳаракат қилишлари керак ҳамда барча зиёратчилар ушбу йўл кўрсатувчиларга эргашишлари лозимлиги;

3) Карвон учун энг хавфсиз йўлни аниқлаш, уловларнинг озик-овқати тугаган пайтда тезда сув ва озиқалар топиш имкониятига эга йўллардан юриши;

4) Сафар давомида йўловчиларга юмшоқ муносабатда бўлиши, касалланиб қолганларни қийнаб қўймаслиги керак ёки ярим йўлда қолдириб кетмаслиги кераклиги;

5) Сафар асносида ва тўхташ жойларида турли фитначилар зиёратчиларнинг орасига кириб, турли фитна ва фасодларнинг тарқалишига йўл қўймаслиги;

6) Ўғри ва кассавурлардан ҳожилар мол-мулкларини ҳимоя қилиши лозим. Керак бўлса, куч билан бўса-да, бунга йўл қўймаслик ва имкон бўлса, бу борада ҳожилардан ҳам ёрдам олиш, аммо ҳаж амирининг бу борада ҳожиларни мажбурлашга ҳаққи йўқлиги;

7) Ҳожилар орасида келишмовчилик ёки ихтилоф юзага келган тақдирда, уларни муроасага келиштириш.

8) Итоат қилмаган ёки хиёнат қилган йўловчиларни огоҳлантириб, керак бўлса, жазолаш. Лекин жазолашда чегарадан чиқилмайди. Ҳаж амири йўлларда турли ихтилофли вазиятларни бартараф қилиш учун фатво бера оладиган даражадаги киши бўлиши кераклиги;

⁶ Ибн Асир. Ал-Камил фий ат-тарих. Қоҳира. 1348. Ж. 4. – Б. 296

⁷ Münir Atalar. Emîr-i hac. www.islamansiklopedisi.org.tr

⁸ Ўша манба. www.islamansiklopedisi.org.tr

⁹ Абул Ҳасан Мовардий. Ал-Аҳком ас-Султонийя ва-л-валаят ад-динийя. Дор ул-ҳадис. – Қоҳира. 2006. – Б. 172.

9) Ҳаж сафари учун қулай вақтни танлаш, ноқулай вақтда йўлга чиқариб, ҳожиларни овора қилмаслик лозимлиги;

10) Ҳаж сафарини бошқарувчи киши шундай вақтни танлаши керакки, ҳожилар Мийқотга етиб борганларида эҳромга кириб, суннатларни хотиржам адо эта олиши, Арафотга бемалол чиқиш имкониятига эга бўлишлари лозим. Ҳаж тугагач, ҳаж амирлари ҳожиларни қайтишга шошилтирмаслик ва уларга бир неча кун фурсат беришлари керак.

Шунингдек, Абул Ҳасан Мовардий ҳаж амири ҳожиларни Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.)нинг равзаларини зиёрат қилишлари учун Мадинага ҳам олиб бориши даркорлигини ҳамда Мадинада бир неча кун қолиб, ҳожиларга Масжиди набавийда намоз ўқишлари учун имконият берилиши кераклигини ҳам қайд этиб ўтган¹⁰.

Иккинчиси, ҳаж ибодатини адо этиш жараёнидаги амирлик. Ҳаж ибодати маълум бир вақтда, шариатда белгиланган тартиб-қоидаларга мувофиқ амалга ошириладиган амаллардан иборат. Ҳажни тўла-тўқис адо этилишини назорат қилиб бориш учун ҳаж амирининг фикҳий қоидалардан хабардор, билимли киши бўлиши талаб этилади. Ҳаж асносида ҳаж амири ҳожиларга имом ўтиши керак бўлган вақтлар ҳам бўлади, ушбу жиҳатдан унинг шариатда имомларга қўйилган маълум талабларга ҳам жавоб бериши керак. Ҳаж амирининг ҳаж пайтида қуйидагиларга амал қилиши лозим:

1) Ҳаж амири ҳожиларнинг қачон ва қаерда эҳромга киришларини, ҳажни адо этиладиган жойларда жамоа бўлиб ҳаракат қилишни таъминлаши, амалларда бошқарувчига итоат қилишни буюриши;

2) Шариатда буюрилган ҳаж амалларининг кетма-кетлик тартибига эътибор бериш. Зеро аввал қилиниши керак бўлган амални кейин қилиб бўлмайди. Ҳатто мустаҳаб ибодатларнинг ҳам тартибини назорат қилиши;

3) Ҳажда туриладиган жойлар (Арафот ва Муздалифа) ва вақтини билиши даркор;

4) Динда кўрсатилган амалларда ва дуо қилганда жамоатнинг “Амин” деб ҳаж амирига итоат қилиши;

¹⁰ Абул Ҳасан Мовардий. Ал-Аҳком ас-Султонийя ва-л-валаят ад-динийя. Дор ул-ҳадис. – Қоҳира. 2006. – Б. 172-173.

5) Ҳожиларни хутба намозларда бир жойга жамлаш ва ҳаж хутбалари ўқиладиган вақтларда жамоатга имомлик қилиши керак¹¹.

Умуман олганда, ҳаж амирларидан ҳажнинг қоидалари ва ҳукмларини амалий ҳамда назарий жиҳатдан тўлиқ билиши талаб этилган.

XVI асрдан бошлаб, ҳаж йўлларининг асосий қисми усмонийлар давлати назорати остига ўтиши натижасида ҳаж амирлари ҳам улар томонидан тайинланиб борилган. XVIII асрнинг охирларига қадар ҳаж амирлари ҳаж сафарларини ташкил этишда фаол бўлишган, аммо кейинчалик қуруқликдаги ҳаж йўлларининг назоратсиз қолиши оқибатида ушбу вазифа амалий жиҳатдан ўз аҳамиятини йўқотган. Шу жумладан, ушбу ҳолат ўтган асрларда Ўзбекистон ҳудудидан борган ҳожиларнинг сафарларига ҳам таъсир этмасдан қолмаган.

XIX аср охири – XX аср бошларига келиб, денгиз йўлларининг ривожланиши, қатновларнинг қулайлашиб бориши натижасида мазкур ҳаж амири вазифаси билан боғлиқ тартиб-қоидалар издан чиқа бошлаган. Ҳожилар ўз юртларидан маълум гуруҳларга бўлиниб, порт шаҳарлар бўлмиш Бомбей, Одесса, Истанбул, Яффа шаҳарлари қуруқликдан эса, Бағдодда тўпланган ҳолда сафар қилишган. Ҳаж йўллари мустамлакачи давлатлар назоратига ўтиши, денгиз йўлларининг очилиши ва пароходлар қатновининг йўлга қўйилиши натижасида ҳожилар турли йўлларда кичик гуруҳларга бўлиниб ёки ёлғиз ҳолда ҳаж сафарига чиқа бошлаган. Бу эса, ўз навбатида, назоратнинг йўқлиги, тарқоқлик натижасида турли юқумли касалликлар кенг миқёсда авж олишига сабаб бўлган. Жумладан, Ҳижозда тарқалган вабо натижасида, биргина 1890 йилнинг 22 июль ва 22 август ойларида тўғри келган ҳаж мавсумида 2535 киши вабодан вафот этган. Шундан, 82 нафарини туркистонлик зиёратчилар ташкил қилган¹².

Ҳаж йўлларида ҳожиларга йўл кўрсатиш, таржимонлик хизматларини ташкил этиш учун “далил” ёки “даллол” номлари билан номланувчи кишилар фаолият юритган.

¹¹ Абул Ҳасан Мовардий. Ал-Аҳком ас-Султонийя ва-л-валаят ад-динийя. Дор ул-ҳадис. – Қоҳира. 2006. – Б. 173.

¹² Қосим Иззиддин Пошо. Маккаи Мукаррамада Коле-ра ва хифзусиҳха. Истанбул: Маҳмуд Бек Матбаъаси. 1327/1910. – Б. 55

Дастлаб даллоллар Макка волийсининг махсус фармони билан тайинланиб, улар асосан Маккада истиқомат қилган. Жидда, Истанбул ва Бомбей порт шаҳарларида эса, уларнинг вакиллари фаолият юритган¹³. Улар зиёратчиларга параход ва поездлар учун билетлар олиш, таржимонлик, мусофирхона, меҳмонхона ва такяларга жойлаштириш каби хизматларни кўрсатишган ҳамда йўлбошчилик қилишган. XIX аср охири – XX аср бошларида ҳаж йўлларидаги шаҳарларда “Бухоролик даллоллар”, “Доғистон даллоллари”, “Қирим даллоллари”, “Қозон даллоллари”дан иборат бир неча гуруҳ даллоллар фаолият юритган. Хусусан, булардан, “Қозон даллоллари” ва “Бухоролик даллоллар” Ўрта Осиёдан борган зиёратчиларга хизмат кўрсатган¹⁴. Лекин, мазкур асрларда ёзилган ҳажнома ва ҳаж зиёрати эсдаликларида даллоллар фаолияти қаттиқ танқид остига олинганини алоҳида таъкидлаб ўтиш ўринлидир. Жумладан, 1891 ҳажга борган Зокиржон Ҳолмуҳаммад ўғли Фуркат ўзининг ҳаж сафари эсдаликларида асли туркистонлик бўлган Сулаймонхўжа исмли бир фирибгар даллолнинг зиёратчиларга рухсатнома олиб бериш баҳонасида уларни пулларини алдов йўли билан олиб қўяётгани ва унга нисбатан Туркистон ҳукумати томонидан чора кўриш кераклиги ҳақида ҳам ёзади¹⁵.

Шунингдек, Маҳмудхўжа Бехбудий ҳам ўзининг “Саёҳат эсдаликлари”да ҳаж йўлларидаги даллоллар ҳақида ёзар экан, қуйидагиларни қайд этади: “Шоми шариф муҳаттасига индим. Бир неча туркистоний, эроний ва араб даллол хизматчилар атрофимни олдилар. Ҳар бири тумшуқинг остига сукулиб, ўз манзилига сени таклиф этиб, бошқасини манзилини ёмонлайдур. Чарчаган кишини яна кулфат бериб, номулойим ҳаракатлар билан асабинга тегадур... Дедим: Сиз мамлакатдан келиб, шу қадарми одамгарчиликдан чиқдингиз”¹⁶.

¹³ Яровой-Равский В.И. Паломничество (хадж) в Мекку и Медину // Сб. материалов по мусульманству. – 1899. – Т. 1. – С. 140-141.

¹⁴ Sibgatullina, Elfine, “19. ve 20. Yüzyıl Başında Rusya Müslümanlarının Hacca Gidiş Yolları”, Uluslararası Türk-İslam Dünyasının İslamiete Katkıları Sempozyumu, Isparta 2007, S. 521-524.

¹⁵ Зокиржон Ҳолмуҳаммад ўғли Фуркат. Саёҳат хотиралари. Туркистон вилояти газети. Тошкент. 1892. №10. – Б. 4

¹⁶ Маҳмудхўжа Бехбудий. Танланган асарлар / Нашрга

Юқоридаги мисоллардан кўриниб турибдики, ҳаж йўлларидаги расмий даллол ва вакиллардан ташқари норасмийларининг фаолияти ҳам авж олган. Тил, йўл ва давлатлардаги конун-қоидалардан беҳабар содда ҳожилар ва зиёратчиларнинг мол-мулк, пуллари мазкур сохта даллоллар томонидан талон-тарож қилинган. Ҳатто, уларнинг домига тушган ҳожилар йиллаб, балки бир умр ўз ватанларидан олисларда ҳеч вақосиз қолиб кетишган.

Бугунги кунга келиб, турли мусулмон мамлакатлари билан бир қаторда, юртимизда ҳам Ўзбекистон мусулмонлар идорасининг бевосита бошчилигида ҳаж ва умра сафарлари ташкил этиб келинмоқда. Юртимиз мусулмонлари жамоа бўлган ҳолда эллик бошилар, деб номланувчи гуруҳ раҳбарлари ҳамроҳлигида мақаддас шаҳарларга бориб, ўз мусулмонлик бурчларини адо этмоқда. Ушбу сафарларнинг қанчалик жиддийлиги эътиборга олган ҳолда ҳар йили Ўзбекистон Мусулмонлар идораси томонидан катта ҳозирликлар кўрилади. Дунёда шарт-шароитлар ўзгариши мумкин, аммо хавф-хатар ҳар доим мавжуд бўлиб келган. Бундан бир неча асрлар олдин ҳаж қарвонлари, қароқчи-йўлтўсарлар, йўл ноқулайлиги каби сабаблар билан муаммоларга дуч келишган бўлса, бугунги кунга келиб, мусулмонларни ҳам жисмоний ҳам маънавий хавфсизлигини таъминлаш долзарб масалага айланиб бормоқда. Зеро, бугун ғоявий урушлар кетаётган ҳудудларнинг аксар қисми мусулмон мамлакатлар эканини ҳам унутмаслик даркор. Шунингдек, бугун замонавий тиббиёт ривожланганига қарамай, юкумли касалликлар дунё миёсида ўз кучини кўрсатишда давом этмоқда. Шу мақсадда, Ўзбекистон мусулмонлар идораси томонидан юкумли касалликларга қарши вакциналар қилинади, зиёратчиларнинг саломатлиги учун тажрибали шифокорлар ҳаж ва умра сафарларига жалб қилиниб келинмоқда. Пайғамбаримиз, тўрт халифа, умавийлар, аббосийлар ва Мамлуклар даврида ҳаж сафарларига давлат сиёсати даражасида қараб, қарвонларни ҳукумат бошлиқларининг шахсан ўзлари назоратга олгани ва фикхий манбаларда бу борадаги ҳукмлар ҳаж ва умра сафарларининг қанчалик жиддий масала эканлигини исботлаб турибди.

тайёрловчи ва тўловчи: проф. Б.Қосимов. – Т.: Маънавият. 2006. – Б. 105